

Акциядорлар
умумий йиғилиши 26.06.2026й.
баённомаси билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»



«UZKABEL»

aksiyadorlik jamiyati qo`shma korxonasi

устави

(янги таҳрир)

Тошкент ш. 2026

1-модда. Умумий қоидалар.

1.1. Акциядорлик жамияти шаклидаги «UZKABEL» qo'shma korxonasi (кейинги ўринларда «жамият» деб аталади) ўзбек ва чет эл муассислари – акциядорлари келишувиди тузилган бўлиб, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чет эл инвесторлари кафолатлари ва ҳимоя чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда мазкур устав асосида амал қилади. Жамиятнинг муассислари – акциядорлари ҳақидаги маълумотлар «Акциядорлар реестрида» акс этган бўлиб муассислар таркиби мазкур реестр бўйича ўзгариши мумкин.

«UZKABEL» AJ QK «UZKABEL» OAJ QK нинг ҳуқуқий вориси бўлиб унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича жавоб беради.

1.2. Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи:
«UZKABEL» aksiyadorlik jamiyati qo'shma korxonasi.

1.3. Жамиятнинг давлат тилидаги қисқартирилган фирма номи:
«UZKABEL» AJ QK.

1.4. Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ фирма номи: совместное предприятие акционерное общество «UZKABEL».

1.5. Жамиятнинг рус тилидаги қисқартирилган фирма номи: СП АО «UZKABEL».

1.6. Жамиятнинг юридик, почта манзили ва электрон манзили:

Ўзбекистон Республикаси, 100164, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўч. 2

Жамият электрон почта манзили: pochta@uzkabel.uz WEB: www.uzkabel.uz

1.7. Жамият фаолияти чекланмаган муддатга таъсис этилган.

2-модда. Жамият фаолиятининг мақсади ва предмети.

2.1. Жамиятнинг асосий мақсади фойда олиш ҳисобланади.

2.2. Жамият фаолиятининг предмети Кабель-сим маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш, ишлаб чиқариш, маркетинг, воситачилик, монтаж-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, инвестиция, илмий, лойиха, жорий этиш, сервис, олди-сотти (улгуржи ва чакана савдо) билан шуғулланиш, аҳоли ва корхоналарга транспорт хизматларини кўрсатиш фаолиятлари, шунингдек қонун билан тақиқланмаган, устав мақсадларига эришишга қаратилган фаолиятнинг бошқа турлари ҳисобланади.

2.3. Жамият қонун томонидан тақиқланмаган ва уставда кўрсатилмаган ҳар қандай фаолият тури билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин. Лицензия ёки бошқа махсус рухсатнома бўлишини талаб этадиган фаолият белгиланган тартибда лицензия ёки бошқа махсус рухсатнома олинганидан кейин амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай фаолият қонуний деб топилади.

3-модда. Жамиятнинг ҳуқуқий мақоми.

3.1. Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига, жумладан унга устав фондига берилган мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

3.2. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларини қўлга киритади.

3.3. Жамият белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида банкда ҳисоб варақлар очишга ҳақлидир.

3.4. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши ҳақли. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Жамият ўзининг фирма номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

3.5. Жамиятнинг жойлашган ери у давлат рўйхатидан ўтказилган жойга кўра белгиланади.

4-модда. Жамият масъулияти.

4.1. Жамият ўзига тегишли мулк доирасида барча мажбуриятларига жавобгар.

4.2. Жамият ўз муассислар мажбуриятлари учун жавоб бермайди. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар.

4.3. Давлат ва унинг органлари жамият мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

5-модда. Жамиятнинг филиал ва ваколатхоналари, шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари.

5.1. Жамият Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисида филиаллар ташкил қилиши ва ваколатхоналар очиши мумкин.

5.2. Жамият филиал ва ваколатхоналар фаолияти бўйича жавобгар ҳисобланади. Филиал ва ваколатхона раҳбарлари жамият томонидан берилган ишонч қоғозлари асосида иш кўради.

5.3. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

5.4. Филиаллар, шўъба ёки тобе жамиятлари ташкил қилиш ва ваколатхоналар очиш кузатув кенгашининг ваколат доирасига киради.

6-модда. Жамиятда қатнашиш.

6.1. Жамият устави, жамият бошқарув органи қарорларини бажариш мажбуриятини олган ва жамият акциядорлари реестрига киритилган ҳох ўзбек, ҳох хорижлик корхона, муассаса, ташкилот ва фуқаролар (фуқароликка эга бўлмаган шахслар) жамият акциядорлари бўлишлари мумкин.

6.2. Жамиятда хорижий, юридик, жисмоний шахсларнинг иштироки чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

7-модда. Жамият акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

7.1. Акциядорлар:

уларни жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;

депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

жамият акциядорлари (иштирокчилари) ўртасида уларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида белгиланган тартибда корпоратив шартнома тузиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Ҳар бир оддий акция акциядорга - унинг эгаси бўлмишга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради.

7.3. Акциядорлар:

жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида;

жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш тўғрисида;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун 84-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битим (бундан буён матнда йирик битим деб юритилади) тузиш тўғрисида;

жамиятнинг уставига уларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

7.4. Ўзларига тегишли акциялар жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати овоз бериш натижасида акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келиши мумкин бўлган масалалар кун тартибига киритилган акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш ушбу акцияларнинг бозор қиймати бўйича амалга оширилади, бу қиймат жамиятнинг акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўладиган ҳаракати натижасида қийматнинг ўзгаришини ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади.

7.5. Акциядорлар:

- устав талабларини ва жамият бошқарув органларининг қарорларини бажариш;
- жамият фаолиятига тегишли махфий масалаларни ошкора этмаслик;
- ўзига тегишли маълумотлар ўзгаргани тўғрисида унинг акцияларига нисбатан бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчи Марказий депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини ўз вақтида хабардор этишга мажбур.

7.6. Жамият акцияларнинг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларнинг 50 фоиздан камроғга эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичида эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.

8- модда. Жамиятнинг устав фонди.

8.1. Жамиятнинг устав фонди 7 147 575 000 (етти миллиард бир юз қирқ етти миллион беш юз етмиш беш минг) сўм, 4 765 050 (тўрт миллион етти юз олтиш беш минг эллик) дона эгаси ёзилган оддий акцияларга бўлинган.

Ҳар бир акциянинг номинал қиймати 1500 сўмга тенг.

Чет эл инвесторларининг улуши 41,2168 фоизни ташкил этади, жумладан:

Компания «Gulf Cable Trading Cimpany» (Хитой, Пекин, Чаоян тумани, Хуагун кўчаси, 59 ховли, ичкм кириш 01, Б блок, 13 қават, 1632 хона) – 10,0734 фоиз ёки 480 000 дона эгаси ёзилган оддий акциялар.

Компания “Inter Kablo ve Bakir Sanayi Ticaret Limited Sirketi” (Туркия, Истамбул ш., Байрампаша тумани, Сағмалжилар даҳаси, Муратпаша маҳалласи, Фабрикалар кўчаси, №14, 1 - хона) – 31,1434 фоиз ёки 1 484 000 дона эгаси ёзилган оддий акциялар.

8.2. Жамият қўшимча равишда жаъми 45 711 455 дона умумий суммаси 68 567 182 500 сўмлик номинал қиймати 1 500 сўм бўлган эгаси ёзилган оддий акцияларни жойлаштириш ҳуқуқига эга.

9-модда. Акцияларга ҳақ тўлаш.

9.1. Акцияларга ҳақ тўлаш пул ва тўловнинг бошқа воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар (шу жумладан ашёвий ҳуқуқлар) воситасида амалга оширилади. Қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш шакли уларни жойлаштириш ҳақидаги қарор билан белгилаб қўйилади.

9.2. Акцияларга уларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорга мувофиқ белгиланган муддатда ҳақ тўланилиши керак.

10-модда. Жамият устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш.

10.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

10.2. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

10.3. Қўшимча акциялар жамият томонидан жамият уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасида жойлаштирилиши мумкин. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ кузатув кенгашига шундай қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган бўлса, кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Қўшимча акциялар очиқ ёки ёпиқ обунани ўтказиш йўли билан жойлаштирилиши мумкин.

Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган акцияларнинг ва эълон қилинган миқдорлари (улушлари) доирасида акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддати ва шартлари белгиланган бўлиши лозим.

Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан жамият устав фондини кўпайтириш, жойлаштирилган қўшимча акциялар номинал қиймати миқдорида рўйхатга олинади. Бунда эълон қилинган акциялар сони жойлаштирилган қўшимча акциялар сонига камайтирилади.

10.4. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини жамиятнинг ўзи кейинчалик бекор қилиш шарти билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.

Устав фондини камайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишда қабул қилинади.

Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши фондни камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

10.5. Жамият ўз фаолияти билан боғлиқ зарарларни қоплаш учун акциялар чиқариш ҳуқуқига эга эмас.

10.6. Жамият жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ёки майдалаш ҳуқуқига эга. Акциядорлар умумий йиғилиши жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш йўли билан йириклаштириш ёки майдалаш тўғрисида қарор қабул қилади.

11-модда. Жамият фондлари ва соф активлари.

11.1. Жамиятда унинг устав фондининг ўн беш фоизи миқдорида захира фонди ташкил этилади. Жамиятнинг захира фонди жамият уставига белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори жамият уставига белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Захира фондини сарфлаш ҳолларида ажратма ўтказиш янгидан бошланади.

Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

11.2. Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоб – китоб маълумотлари бўйича жамият активлари ва унинг мажбуриятлари умумий суммаси ўртасидаги фарқ каби белгиланади.

11.3. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижасига мувофиқ жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан) оз бўлиб чиқса, жамият ўз устав фондини (устав капиталини) соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргача камайтириши шарт.

12-модда. Жамият фойдасини тақсимлаш, дивидендлар.

12.1. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин жамиятда қоладиган фойда (соф фойда) унинг тўлиқ тасарруфига ўтади.

12.2. Акциядорлар умумий йиғилиш қарорига мувофиқ соф фойда жамият захира реинвестиция амалга оширади жамғармаларини тўлдиради, фойданинг қолдиғи эса жамият акциядорлари ўртасида уларга тегишли бўлган акцияларнинг сони ва тоифасига боғлиқ ҳолда тақсимланади.

12.3. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендларни (йилнинг ҳар бир чораги, ярим йиллик, йиллик дивидендлар) тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тасвир этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлашни бошлаш ва тугаллаш саналари кўрсатилган бўлиши керак.

Молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинганлиги ва бошқа муҳим ахборот ҳақидаги хабар ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан 15 кун ичида жўнатилганлиги фактини ва қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабарномани қайд қилган ҳолда, акциядорлар эътиборига мобиль телефонга қисқа хабарлар (SMS-хабарлар) ва (ёки) электрон почта (акциядорлар реестрида мобиль телефон рақами ва электрон почта манзили мавжуд бўлганда) орқали етказилади.

12.4. Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда жамиятнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пенялар миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

12.5. Агар дивидендлар тўлаш оқибатида акциядорлар жамиятининг молия – хўжалик аҳволи жиддий тарзда ёмонлашадиган бўлса, дивидендлар тўлаш таъқиқланади.

Агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

12.6. Дивидендларни тўлаш шакли ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши тасдиқлаган «Дивидендларни тўлаш тартиби тўғрисида низом» га биноан белгиланади.

Дивидендларни тўлаш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ёки инвестиция воситачилари орқали акциядорнинг мавжуд банк ҳисобварағига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда автоматик равишда амалга оширилади. Бунда акциядорлик жамияти акциядордан дивидендларни тўлаш тўғрисидаги аризани талаб қилишга ҳақли эмас.

Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошладиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

Жамият акциядорларининг реестридан олинган, жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда жамият бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

12.7. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

12.8. Дивидендларни тўлаш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ёки инвестиция воситачилари орқали акциядорнинг мавжуд банк ҳисобварағига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда автоматик равишда амалга оширилади. Бунда акциядорлик жамияти акциядордан дивидендларни тўлаш тўғрисидаги аризани талаб қилишга ҳақли эмас.

12.9. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошладиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

12.10. Жамият акциядорларининг реестридан олинган, жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда жамият бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

13-модда. Жамият бошқарув органлари.

13.1. Қуйидагилар жамият бошқарув органлари ҳисобланади:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- жамиятнинг кузатув кенгаши;
- ягона ижроия органи.

14-модда. Акциядорларнинг умумий йиғилиши.

14.1. Жамиятнинг олий бошқарув органи бўлиб, акциядорлар умумий йиғилиши ҳисобланади.

14.2. Ҳар йили жамият акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказди. Йиллик умумий йиғилиш молиявий йил тугагач, олти ойдан кечиктирилмай чақирилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари, жамиятнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш қараб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда жамиятнинг кузатув кенгаши, ушбу уставнинг 14.19 –бандида назарда тутилган ҳолларда эса, умумий йиғилишни чақирувчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

умумий йиғилишнинг кун тартибини;

умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш тартибини;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўyxатини;

овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини;

акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз бериш тартиби.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп эътиб белгиланиши мумкин эмас.

14.3. Акциядорлар умумий йиғилиши ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- жамият кузатув кенгашининг миқдор таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- жамиятнинг устав фондини кўпайтириш;
- жамиятнинг устав фондини камайитириш;
- ўз акцияларини сотиб олиш;
- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- жамиятнинг тафтиш комиссиясини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш, ҳамда тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- жамиятнинг йиллик ҳисоботларини тасдиқлаш;
- жамиятнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг ҳулосаларини эшитиш;
- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;
- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;
- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш;
- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно:

- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;
- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;
- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 75-моддасида биринчи қисмининг ўн биринчи хатбошисига мувофиқ жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

14.4. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинса, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Ушбу уставнинг 14.3 - банди биринчи қисмининг иккинчи – тўртинчи, олтинчи ва ўн тўртинчи хат бошларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор.

Йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор, агар кузатув кенгаши қарорига мувофиқ йирик битим тузиш тўғрисидаги масала акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳукмига ҳавола этилганда.

Битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари қийматининг эллик фоизидан ортиқ баланс қийматини ёки сотиб олиш қийматини ташқил этувчи мол – мулк ҳусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор.

Аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор, агар “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 88 – моддасига мувофиқ, жамият кузатув кенгаши битимни маъқуллаш ҳақидаги қарорни қабул қилишга ҳақли бўлмаса.

14.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибини ўзгартишга ҳақли эмас.

14.6. Умумий йиғилиш қабул қилган қарор жамият акциядорларининг барчаси учун мажбурий йиғилишда қатнашганларга ҳам, қатнашмаганларга ҳам бирдай.

14.7. Агар акциядорлар умумий йиғилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мазкур устав талабларига зид бўлган қарор қабул қилган ҳолда, акциядор узрли сабабларга кўра акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган, кўрсатилган қарор билан унинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган бўлса, судга шикоят қилишга ҳақлидир.

14.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби;

акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз бериш тартиби.

14.9. Биргаликда жамият овоз берувчи акцияларининг камида 1 фоизига эга бўлган жамият акциядорлари (акциядори) молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай акциядорлар йиллик умумий йиғилишининг кун тартибига таклифлар киритишга ва кузатув кенгаши, тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатишга ҳақли. Кўрсатилган номзодлар сони ушбу органнинг миқдор таркибидан ошиб кетиши мумкин эмас. Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

14.10. Умумий йиғилиш кун тартибига масала ёзма шаклда киритилиб, уни қўйиш асослари, масала киритаётган акциядорлар (акциядор)нинг исмлари, уларга тегишли бўлган акциялар сони ва тоифалари, кузатув кенгаши, тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш чоғида эса – уларнинг исмлари, ички корпоратив ҳужжатларга мувофиқ номзодлар ҳақида маълумотлар, шунингдек уларга тегишли бўлган акцияларнинг сони ва тоифалари кўрсатилади.

14.11. Кузатув кенгаши келиб тушган таклифларни кўриб чиқиб, мазкур уставнинг 14.9. бандига кўра белгиланган, муддатдан кечикмай, 10 кун ичида уларни акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритиш (ёки киритмаслик) қарорини қабул қилиши шарт.

14.12. Акциядор (акциядорлар) киритган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, шунингдек кўрсатилган номзодлар жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши шарт, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

акциядор (акциядорлар) ушбу уставнинг 14.9-бандида белгиланган муддатга риоя этмаган бўлса;

акциядор (акциядорлар) ушбу уставнинг 14.9-бандида назарда тутилган миқдордаги жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

ушбу уставнинг 14.10-бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

таклифлар “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонуннинг ёки бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаса.

Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги далил-исботли қарори ана шу масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорга (акциядорларга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан узоғи билан уч кун ичида юборилади.

14.13. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

14.14. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарори билан унинг ўз ташаббусига биноан, жамият тафтиш комиссиясига талабига кўра, шунингдек талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби билан ўтказилади.

14.15. Жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

14.16. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабабини кўрсатган ҳолда таърифлаб берилмоғи лозим.

Жамият кузатув кенгаши жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

14.17. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш талаби акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми (номи), унга тегишли акцияларнинг сони кўрсатилган бўлиши лозим.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш талабномаси
акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган
шахс(шахслар) томонидан имзоланади.

14.18. Жамиятнинг тафтиш комиссияси ёки жамият овоз берувчи акцияларининг
камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан
ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн
кун ичида жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий
йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул
қилиши керак.

Жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида
беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра
акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш
тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб
қилаётган акциядор (акциядорлар) ушбу уставнинг 14.14. - бандида назарда тутилган
микдордаги жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига
киритиш учун таклиф этилган масалалардан биронтаси ҳам унинг ваколат доирасига
кормаса;
- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала “Акциядорлик жамиятлари ва
акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун талабларига
мувофиқ бўлмаса.

Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий
йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш
ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул
қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий
йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш
мумкин.

14.19. Жамият кузатув кенгаши ушбу уставда белгиланган муддат ичида
акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул
қилмаган бўлса ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган бўлса,
акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган
шахслар томонидан чақирилиши мумкин.

Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик
кўриш билан боғлиқ харажатлар акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан
жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

14.20. Акциядорларнинг умумий йиғилишида йиғилишни ўтказиш санасигача уч иш
кун аввал шакллантирилган жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар
иштирок этишга ҳақлидир. Акциядорларнинг умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқи
шахсан акциядор томонидан ёки исталган вақтда алмаштириши мумкин бўлган унинг
вакили орқали. амалга оширилади. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий
йиғилишида ёзма ишончнома асосида иш кўради. Овоз беришга доир ишончномада ваколат
берган ва вакил қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар (исми ёки номи, турар жойи
ёки жойлашган манзили, паспорт маълумотлари) акс эттирилган бўлиши лозим. Жисмоний

шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Юридик шахс номидан бериладиган овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилади.

Бир неча шахсларнинг умумий улушли мулки бўлган жамият акцияси бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколати умумий улушли мулк қатнашчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади.

14.21. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Санок комиссияси таркибига жамият кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари (тафтишчиси), жамият бош директори, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

Санок комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради, овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини жамиятнинг идоравий архивига топширади.

14.22. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш ушбу уставнинг 14.8. - бандида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади..

14.23. Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериши «битта овоз берувчи акция - бир овоз» тартибида амалга оширилади, жамият кузатув кенгаши сайловлари бўйича қонунчиликда кўзда тутилган ҳолда кузатув кенгаши аъзоларини сайлашда кумулятив овозга қўйиши бундан мустасно.

14.24. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб амалга оширилади.

Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

Овоз бериш бюллетенида: жамиятнинг тўлиқ фирма номи, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойи, овоз беришга қўйилган ҳар бир масаланинг таърифи ва уни кўриб чиқиш навбати, овоз беришга қўйилган ҳар бир масала бўйича "ёқлайман", "қаршиман" ёки "бетарафман" деган мазмундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш вариантлари кўрсатилган бўлиши (бундан овоз беришга қўйилган масалага "ёқлайман" деган мазмундаги сўз билан ифодаланадиган кумулятив овоз бериш мустасно), овоз бериш бюллетени акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатма бўлиши керак.

Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки тафтиш комиссияси аъзосини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказилган тақдирда, овоз бериш бюллетенида номзод тўғрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз берилганда овоз бериш бюллетенларидан фойдаланилмайди. Бунда овозга қўйилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорнинг қонунийлиги акциядорни акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатга олишда фойдаланиладиган электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини колдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Юқоридаги талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир неча масала акс эттирилган бўлса, бир ёки бир неча масалага нисбатан юқорида кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб ҳисобланишига сабаб бўлмайди.

Санок комиссияси овоз бериш якунлари бўйича баённома тузади. Баённома санок комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

Овоз бериш якунлари бўйича санок комиссияси овоз бериш якунлари тўғрисида санок комиссияси аъзолари томонидан имзоланадиган баённома тузади. Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йиғилишининг, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказиладиган умумий йиғилишининг кворуми мавжудлиги ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади

Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин акциядорларнинг қоғоздаги ёки электрон жисмдаги овоз бериш бюллетенлари санок комиссияси томонидан муҳрланади ва жамият архивига сақлаш учун топширилади.

Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йиғилиши баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

Овоз бериш якунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йиғилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш якунлари тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.

14.25. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
- жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
- умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

15-модда. Кузатув кенгаши.

15.1. Жамият кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ва умумий йиғилиш ваколат доирасига тегишли масалалардан ташқари ҳамма масалаларни ҳал этади.

15.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чоратadbирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан ушбу устав 14.19. – бандида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

ушбу устав 14.3. – бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамият ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабригача кўриб чиқиш ва маъқуллаш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

жамиятнинг шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига ёки жамият уставига кўра қуйидагилар жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилиши мумкин:

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 75-моддасида биринчи қисмининг ўн биринчи хатбошисига мувофиқ жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

15.3. Кузатув кенгаши 10 аъзодан иборат бўлади. Кузатув кенгаши аъзоларини акциядорлар умумий йиғилиши уч йил муддатга сайлайди. Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатлари акциядорлар йиллик умумий йиғилишида сайланиш (қайта сайланиш) пайтигача амал қилади. Кузатув кенгашига фақат жисмоний шахс аъзо бўлиши мумкин. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

15.3.1 Жамият бошқаруви аъзолари ва бош директори, унинг шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

15.4. Кузатув кенгаши аъзоларига фаолиятни жамиятда ёлланиб ишлаш меҳнат фаолияти билан бирга олиб боришларига йўл қўйилмайди.

15.5. Қоидага кўра кузатув кенгаши аъзолари олий маълумотга эга бўлиши (иктисодий, юридик маълумот бўлса янада яхши) корпоратив бошқариш ва ҳуқуқ, стратегик ва инқирозга қарши бошқарув, шунингдек корпоратив молия соҳаларига тегишли билим ва тажрибага эга бўлиши керак.

15.6. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига кўра кузатув кенгаши аъзолари (аъзоси) ваколатлари муддатидан аввал тугатилиши мумкин. Кузатув кенгашининг ваколатлари муддатидан аввал тугатилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида сайланган кузатув кенгаши янги таркибининг ваколатлари яқинда ўтказиладиган йиллик умумий йиғилишгача амал қилади.

15.7. Кузатув кенгаши аъзоси ҳоҳлаган вақтида ўз ваколатларини қолган кузатув кенгаши аъзоларини бу ҳақида ёзма равишда хабардор қилиб, ихтиёрий топширишга ҳақли. Бунда қолган кузатув кенгаши аъзоларининг ваколоти тугамайди.

15.8. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

15.9. Кузатув кенгаши раиси унинг аъзолари орасидан оддий кўп овоз бериш йўли билан сайланиши мумкин.

Кузатув кенгаши ўзи хоҳлаган вақтда оддий кўп овоз бериш йўли билан янги раис сайлашлари мумкин.

15.10. Кузатув кенгаши раиси унинг ишларини таъминлайди, кенгаш мажлисларини чақиради, уларга раислик қилади. Мажлис баённомасини юритиш ишларини ташкил қилади.

Кузатув кенгаши мажлиси зарурат бўлганда раис томонидан унинг ташаббуси билан, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек яккабошчилик асосидаги ижроия органи – бош директор талаби билан чақирилади.

Кузатув кенгаши мажлисларини чақириш ва ўтказиш тартиби «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низом асосида аниқланади.

15.11. Агар кузатув кенгаши мажлисида сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизи катнашса, у қонуний ҳисобланади.

Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи амалдаги қонун ҳужжатларида, жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Ҳар бир кузатув кенгаши аъзоси бир овозга эга. Овозлар тенг келиб қолганда, кузатув кенгаши раиси овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларининг овозини бошқа шахсга, шу жумладан, жамият кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришга йўл қўйилмайди.

15.12. Кузатув кенгаши мажлисида баённома юритилади, у мажлис ўтказилгач 10 кун давомида тузилган бўлиши керак.

Мажлис баённомасида ўтказилган сана, жойи ва вақти, мажлисда қатнашган шахслар сони, кун тартибига қўйилган масалалар бўйича овозга қўйилгани, овозга қўйиш натижалари, қабул қилинган қарор кўрсатилади.

Жамият кузатув кенгаши мажлиси баённомаси унинг тўғри тузилганлиги бўйича жавобгар ҳисобланган мажлисда қатнашаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади.

Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий

йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

15.13. Жамият кузатув кенгашининг вазифаси ҳуқуқи ва мажбуриятлари бўйича тўлиқ вазифалар рўйхати, шунингдек устав билан тартибга келтирилмаган қисми акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низом асосида белгиланади.

16 -модда. Жамиятнинг ижроия органи.

16.1. Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарликни жамият манфаатларини ҳимоя қилувчи унинг номидан қонун ва мазкур уставга биноан ишончнома тақдим этмасдан ҳаракат қилувчи, жамият яккабошчилик асосидаги ижроия органи – бош директор амалга оширади.

Яккабошчилик асосидаги ижроия органи жамият кузатув кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилишига ҳисобот беради.

16.2. Бош директорни тайинлаш тўғрисидаги қарорни жамият кузатув кенгаши, қоидага кўра, чет эл менеджерлари иштирок этиши мумкин бўлган конкурс танлови асосида қабул қилади.

16.3. Жамият кузатув кенгаши райси номидан бош директор билан уч йил муддатга ёллаш шартномасини тузади ва кузатув кенгаши ҳар жамият йили уни узайтириш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади. Шартнома исталган вақтда кузатув кенгашининг қарорига кўра бекор қилиниши мумкин. Ёллаш шартномасида унинг ҳуқуқ ва бурчлари, жамият мол-мулкига ҳўжалик юритиш мақсадида эғалик қилиш чегаралари, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ҳўжалик фаолияти натижалари учун мукофотлаш шартлари ва унинг айби билан жамиятга етказилган зарар учун жавобгарлик доираси таъкидланади.

16.4. Ижроия органлари ваколат доирасига жамият жорий фаолиятига раҳбарлик қилишнинг барча масалалари киради, умумий йиғилиш ва жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

16.5. Бош директор қуйидагиларни амалга оширади:

- жамиятнинг дастури ва режасига мувофиқ унинг ишларига тезкор раҳбар бўлиш;
- жамият мулкни акциядорлик жамиятлари «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ва ушбу уставда белгиланган доирада ўз ихтиёрида тутиш;
- жамият номидан ишончномасиз чиқиш, Ўзбекистон Республикасидаги каби чет элларда ҳам барча муассаса, корхона, ва ташкилотларда жамиятни таништириш;
- турли ҳилдаги битимлар тузиш, жумладан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари баланс қийматининг ўн беш фоизгача қийматга эга бўлган мол-мулкни жамиятнинг олиши ёки тасарруфидан чиқариш билан боғлиқ ёхуд жамият бевосита ёки билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир неча битим, оддий ҳўжалик фаолиятини юритиш асносида содир этиладиган битимлар бундан мустасно, ва бошқа юридик ҳаракатлар қилиш, ишончномалар бериш, банкларда жамиятнинг ҳисоб ва бошқа рақамларини очиш;

- жамият ходимларини ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, жамият ички меҳнат тартиби қоидаларига мувофиқ ходимларга нисбатан рағбатлантириш ва жазо бериш чораларини кўриш;
- молия-хўжалик фаолияти дастурини тасдиқлаш;
- штат жадвалини тасдиқлаш, буйруқлар чиқариш, жамият барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;
- жамият персоналларини ўқитиш бўйича режа ва тадбирларни тасдиқлаш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, мазкур устав, умумий йиғилиш, кузатув кенгаши қарорлари ва контрактлардан келиб чиқадиган бошқа ишларни ҳам юритиш.

16.6. Жамият бош директори акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил қилади.

16.7. Бош директорнинг бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида лавозимларни кўшиб олиб боришига фақат кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

16.8. Бош директор фаолиятининг мазкур уставда берилмаган масалалари жамиятнинг белгиланган тартибда тасдиқланган “Бош директор тўғрисидаги низом”и билан белгиланади.

16.9. Акциядорлар умумий йиғилиш қарорига кўра жамият ижроия органи ваколатлари шартнома бўйича (ташкилот бошқарувчиси) тижорат ташкилотига ёки (бошқарувчига) шахсий тадбиркорга берилиши мумкин. Тузиладиган шартномалар шартлари жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

17-модда. Жамият бошқарув органига кирган шахслари жавобгарлиги.

17.1. Кузатув кенгаши аъзолари ва бош директор ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларига амал қилишлари керак. Амалга оширилаётган ҳуқуқлари ва бажарилаётган мажбуриятлари ҳар жихатдан ҳалол ва оқилона бўлмоғи зарур.

17.2. Кузатув кенгаши аъзолари ва бош директор ўзлари бажарган айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида, агар жавобгарлик учун асос ва унинг миқдори қонунчилик билан аниқланмаса, жамиятга етказган зарар учун жавоб берадилар.

Кузатув кенгаши аъзолари ва бош директор бирор масалани ечишда қарши овоз берса ёки унда узрли сабаб билан қатнашмаса, бу масала жамият фаолиятини зиён кўришга олиб келса, кўрилган зиён бўйича жавоб бермайдилар.

17.3. Бир неча шахснинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар ҳисобланади.

17.4. Жамиятга тегишли оддий акцияларнинг бир фоизига эга бўлган жамият ёки акциядор (акциядорлар), кузатув кенгаши ва бош директор томонидан жамиятга келтирилган зиён бўйича даъвогар сифатида судга мурожаат қилиб зиён ўрнини қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

18-модда. Жамиятнинг фаолиятини назорат қилиш.

18.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси сайланади.

18.2. Жамият тафтишчисига ёки тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айтиб ўтиш керак, акциядорларнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас..

18.3. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

18.4. Жамият тафтишчиси ёки тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айтиб ўтиш керак, жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

18.5. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

18.6. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

18.7. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Уставнинг 18.6 – бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

18.8. Жамиятда яна кузатув кенгаши томонидан жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қиладиган ҳамда баҳолайдиган ички аудит хизмати ташкил этилади..

Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

18.9. Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг молия – хўжалик фаолиятини текшириш ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этишни жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри якун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўладиган мустақил аудиторлик ташкилоти амалга оширилади.

19-модда. Ҳисоб ва ҳисобот. Жамият тўғрисида ахборот.

19.1. Жамият амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

19.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик жамият ижроия органининг зиммасида бўлади.

19.3. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончилиги мулкӣ манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

19.4. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

19.5. Жамият:

жамиятнинг устави, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган уставга киритилган, ўзгартиш ва қўшимчалар, жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарор, жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамиятнинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларни;

жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;

жамиятнинг йиллик ҳисоботини;

эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;

акциялар эмиссияси рисоласини;

бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатларни;

тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;

жамият акциядорлари умумий йиғилишларининг, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ва бошқаруви мажлисларининг баённомаларини, шунингдек жамият бош директорининг (бошқарув раисининг) буйруқларини;

жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхатларини;

жамият акциядорларининг реестрларини;

жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг), аудиторлик ташкилотининг хулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

Жамият қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳужжатларни ҳам сақлаши шарт.

19.6. Жамият уставнинг 19.5-бандида назарда тутилган ҳужжатларнинг акциядорларга берилишини таъминлайди, бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари, якка ижроия органи буйруқлари ва акциядорлар реестри бундан мустасно. Жамият акциядорнинг ёзма талабига кўра унга «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда назарда тутилган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини ҳақ эвазига тақдим этиши шарт. Ҳақ миқдори жамият томонидан белгиланади ҳамда ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини тайёрлаш харажатларининг қийматидан ва ҳужжатларни почта орқали жўнатиш билан боғлиқ харажатлардан ортиб кетмаслиги керак.

Жамият сўралаётган ҳужжатларни акциядорга электрон шаклда тақдим қилишга ҳақли.

Акциядорлар жамият ёки унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни ошкор қилишга ҳақли эмас.

20-модда. Жамиятни қайта ташкил этиш.

20.1. Жамиятни қайта ташкил этиш уни қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш, қўшиб олиш ва ўзгартириш йўли билан амалга оширилади. Қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилинади.

20.2. Жамиятни қайта ташкил этиш жамият ҳуқуқ ва бурчларининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг ҳуқуқий ворисларига ўтишига олиб келади.

20.3. Жамиятни қайта ташкил этиш чоғида низомга тегишли ўзгартишлар киритилади, топшириш далолатномаси ва бўлиш баланси тузилади.

Топшириш далолатномаси ва бўлиш балансида жамиятнинг барча мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидалар бўлиши керак.

Агар бўлиш баланси қайта ташкил этилган жамиятнинг ҳуқуқий ворисини белгилаш имкониятини бермаса, янги юзага келган юридик шахслар қайта ташкил этилган жамиятнинг мажбуриятлари бўйича солидар жавобгар бўладилар.

20.4. Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб янги пайдо бўлган юридик шахсларни қўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этишдан ташқари ҳолларда жамоат қайта ташкил этилган ҳисобланади.

Жамият бошқа жамиятга қўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этилганида биринчиси давлат рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан юридик шахсларнинг Ягона давлат реестрига қўшиб олинган жамиятнинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисида ёзув киритилган пайтдан бошлаб қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

21-модда. Жамиятни тугатиш учун асослар.

Жамият қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- акциядорлар умумий йиғилишининг қарори бўйича;
- суд қарорига асосан;
- амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўйича.

22- модда. Жамиятни тугатиш тартиби.

22.1. Жамиятни тугатиш тугатувчи томонидан амалга оширилади. Жамият ихтиёрий равишда тугатилганида тугатувчи умумий йиғилиш томонидан тайинланади. Мажбурий тугатилганида – тугатувчи суд томонидан тайинланади.

22.2. Тугатувчи тайинланган пайдан бошлаб жамиятнинг ишларини бошқариш бўйича ваколатлар унга ўтади. Тугатувчи активларни баҳолайди, кредиторларни аниқлайди ва улар билан ҳисоб-китоб қилади, тугатиш балансини тузади ва уни акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этади.

22.2.1 Тугатувчи жамиятнинг тугатилиши ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Жамиятни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги эълон рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади. Жамиятнинг тугатилиши ҳақидаги эълонда унинг кредиторлари талабларини билдириш тартиби ва муддатлари кўрсатилади. Бу муддат тугатиш тўғрисидаги эълон чиққан пайдан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги керак.

22.3. Жамиятда мавжуд бўлган пул маблағлари, шу жумладан тугатиш чоғида унинг мол-мулкни сотишдан олинган тушум, бюджет билан ҳисоб-китоблардан кейин, жамият ходимларига меҳнат ҳақи тўлашдан, кредиторлар билан ҳисоб-китоб килингандан, жамият чиқарган облигацияларнинг эгалари олдидаги мажбуриятларни бажаргандан сўнг, тугатувчи томонидан жамият акциядорлари ўртасида уларнинг жамият сармоясидаги низоми мувофиқ ҳиссасига мутаносиб равишда тақсимланади.

22.4. Давлат рўйхатидан ўтказиш органи томонидан юридик шахсларнинг Ягона давлат реестрига тегишли ёзув киритилган пайдан бошлаб жамиятнинг тугатилиши тугалланган, жамият эса фаолиятини тўхтатган деб ҳисобланади.

23-модда. Уставни кучга киритиш.

23.1. Устав давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб кучга киради.

МАЗКУР УСТАВНИ ИМЗОЛАДИЛАР:

«UZKABEL» AJ QK

Бош директори Умаров Ф.Р.

